



## Ислом Нури

### Салаф солих – “ахлуссунна вал-жамоа” эътиқодига даъват этишнинг шарт ва коидалари

Эй Мусулмон дўстим, билгилки салаф солих эътиқодига учта шарт билан даъват килинади:

1 — соглом тўгри эътиқод.

Яъни “рубубият”, “улухият”, “исм ва сифатлар” тавхиди ва эътиқоднинг бошка кирралари хакида салаф солих эътиқодида бўлиш.

2 — соглом тўгри дастур.

Яъни салаф солих кўйган усул ва коидалар асосида Куръон ва суннатни тушуниш.

3 — соглом тўгри амал.

Яъни бидъат ишларни килмаслик, балки, амал хоҳ эътиқодий, хоҳ амалий ва хоҳ лафзий бўлсин, Аллоҳ учун холис ва шариатга мувофик бўлиши.

Аллоҳ таолонинг йўлига даъват этиш энг шарафли ишлардан ва буюк ибодатлардан, пайгамбарлар ва Аллохнинг хос ва соғ бандаларининг асосий вазифаларидан, Аллоҳ таоло бу хакда шундай деди:

**“(Одамларни) Оллоҳ(нинг дини)га даъват килган ва ўзи хам яхши амал килиб, «шак-шубҳасиз, мен мусулмонлардандирман», деган кишидан хам чиройлирок сўзлагувчи ким бор?”**

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва саллам одамларга даъватни кандай етказишимиз кераклиги хакида таълим бердилар ва у зотнинг хаётида



## Ислом Нури

бунинг учун етарли дарслар бор.

Салаф солих эътиқодига даъват этувчи кишилар ўз даъватларида расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даъват услубларига эргашишлари керак. Шубҳасиз, расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг даъват йўлида Аллоҳ таолога даъват килиш услубида очик баёнлар борки, улар расууллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг йўли ва хаётга мухолиф бўлган ва одамлар ўйлаб топган йўллардан бехожат килади.

Шунинг учун хам, Аллоҳ таолонинг йўлига даъват этувчи кишилар салаф солих каби замон ва маконни риоя килиб даъват этишлари керак.

Бу тўгри тушунчадан келиб чикиб мен даъватчилар учун баъзи коида ва асосларни эслатиб ўтишга харакат килдим. Шояд бу сабабли даъват кўзланган сахех тарзда бўлса.

### Даъватчининг асос ва коидалари

1 — Билингки, Аллоҳ таолонинг йўлига даъват этиш — дунё ва охиратдаги нажот йўлларидан биридир. Аллоҳ таоло сиз сабабли бир кишини хидоят килиши, сизга кизил туяларни берилганидан кўра яхширокдир. Даъват килиниши билан савоб ёзилади, унга даъватни ижобат килиниши шарт эмас. Даъватчидан Исломга нусрат (галаба)ни рўёбга чикариши талаб килинмаган у — Аллоҳ таолонинг ишидир. Бирок даъватчидан бу йўлда ўз кучларини сарф этиши талаб килинган.

Даъватчи тайёргарлик кўриши шарт, нусрат эса Аллоҳ таоло тарафидан ваъдадир. Даъват жиход турларидан бири бўлиб, максад ва



## Ислом Нури

натижаларида у билан муштаракдир.

2 — “Ахлуссунна вал-жамоа” йўли деб шаклланган, мўътадиллиги ва умумийлиги, меъёрдан ортиқ ва кам эмаслиги билан машхур бўлган салаф йўлини чукур ўзлаштириш.

Куръон ва сахих суннатни лозим тутган шаръий илм билан харакатни бошлиш. Бундай шаръий илм Аллоҳ таолонинг фазли билан тойилишдан сакловчи ва пайгамбарлар йўлидан юришни касд килган киши учун нурдир.

3 — “Бирлашишнинг асоси — тавхиддир” шиори остида мусулмонлар жамоатини вужудга келтириш ва бирлашишга харис бўлиш хамда бугунги кундаги мусулмонларни бирлаштириш ўрнига парчалаб ташлаётган гурухбозликдан узок бўлиш.

Аллоҳ йўлига даъват этиш учун харакат килаётган хар бир жамоатни мусулмонларнинг жамоати деб эмас, балки, мусулмонлардан бир жамоа деб тушуниш.

4 — Мухабbat шахсларга эмас, динга бўлиши. Ҳак бокийдир, шахслар эса фонийдир. Ҳакни бил, ахлини танийсан!

5 — Хамкорлик ва хамкорликка олиб борадиган барча нарсага даъват этиш, ихтилоф ва ихтилофга олиб борадиган барча нарсалардан узок бўлиш. Иттифок килган нарсаларимизда бир-биrimizga ёрдам беришимиз ва ихтилоф килган нарсаларимизда ўзаро нафрат килмай, бир-биrimizga насиҳат килишимиз.

Исломий жамоатлар ўртасидаги асос — хамкорлик ва бирликдир. Бунинг имкони бўлмаса бир-бирини кўллаб кувватлаш, бунинг имкони



## Ислом Нури

бўлмаса бирга яшаш, бунинг хам имкони бўлмаса халокатдир.

6 — Шахснинг ўзи мансуб бўлган жамоага таассуб килмаслиги, модомики, шариатга мувофик, меъёрдан ортиқ ёки кам бўлмас экан, бошкаларнинг яхши харакатларини мамнуният ила кабул килиш.

7 — Шариатнинг усул эмас фуруот яъни шохларидаги ихтилофлар, жанжал ва урушларни эмас, балки, насиҳат ва сухбатлашишни такозо килади.

8 — Хар бир киши ўз-ўзини танкид килиши ва хатоларини тўгрилаши.

9 — Хилоф килиш одбларини ўрганиш ва сухбат асосларини чукуррок билиш хамда у иккисининг ахамиятига икрор бўлиш ва унинг воситаларига эга бўлишнинг зарурлиги.

10 — Хукмни умуммий чикаришдан узок бўлиш ва унинг оғатларидан эҳтиёт бўлиш, шахсларга хукм килишда адолат килиш, шаклга эмас мазмунга караб хукм килиш инсофдандир.

11 — Максад билан воситалар ўртасини ажратиш. Масалан: даъват максад, харакат, жамоат ва бошка нарсалар эса воситалардир.

12 — Максадларда сабот билан туриш ва шариат рухсат беришига караб воситаларни кўллашда юмшок бўлиш.

13 — Ахамият масаласига риоя килиш яъни, ишларни ахамиятига караб тартиблаш. Агар бирон фаръий ёки жузъий масала бажарилиши керак бўлса, у ўз ўрни, вакти ва муносиб шароитида бўлиши керак.

14 — Даъватчилар ўртасида тажриба алмашиш хам мухим



ишлардандир. Ўтганларнинг тажрибасига асосланиш керак. Даъватчи ўз харакатини бўш ердан бошламайди. Чунки у ислом динига хизмат килиш учун чиккан биринчи ва ё охирги киши эмас. Дунёда насиҳат ва иршод (йўллаш)дан бехожат бўлган ёки тўгриликнинг барчасини ўзида жам килган бирон киши йўқдир. Ва акси хам.

15 — Умматнинг суннатга амали ва соглом эътиқоди билан танилган олимларини хурмат килиш, уларнинг обрўларини тўқмаслик, улардан илмларини олиш ва уларнинг ниятлари хакида шубҳаларни айтмаслик. Шу билан бирга улар учун таассуб килишдан сакланиш керак, чунки хар бир олим тўгри ва хато килиши мумкин. Модомики у мужтахид бўлар экан килган хатоси ўзига, лекин унинг хурмати ва фазли сакланиб колади.

16 — Мусулмонлар хакида яхши гумон килиш, уларнинг сўзларини яхши томонга буриш хамда уларнинг айбларини бошкалардан яшириб ўзларига айтишдан бепарво бўлмаслик.

17 — Яхшиликлари кўп бўлган одамни ёмонликларини фойдаси бўлсагина тилга олиш. Ёмонликлари кўп бўлган одамнинг яхшиликларини, омма халк чалгимаслиги учун гапирмаслик.

18 — Шаръий лафзларни аник ва нозик бўлгани учун ўзгартмай истеъмол килиш хамда ёт ва мужмал лафзлардан сакланиш. Масалан: “демократия” эмас “шуро” каби.

19 — Фикхий мазхаблар хакида тўгри тушунчада бўлиш. Улар бизнинг катта фикхий бойлигимиз бўлиб, уларни ўрганамиз, улардан фойдаланамиз ва уларга тарафкашлик килмаймиз. Биз уларни бутунлай рад этмаймиз ва заиф хукмларидан сакланамиз. Улардан



## Ислом Нури

Куръон ва суннат нури остида хамда салаф солиҳ тушунчаси билан хак ва тўгрисини оламиз.

20 — Гарб ва унинг маданиятига нисбатан тўгри йўналишни белгилаш. Яъни уларнинг тажрибий фанларидан улуг динимизнинг асос ва коидаларига биноан фойдаланамиз.

21 — Шуро (маслахат)нинг даъватдаги ахамиятига икрор бўлиш ва даъватчининг маслахатлашиш илмини ўрганиши.

22 — Чиройли намуна. Даъватчи ўз даъватининг ойнаси ва ундан дарак берувчи намунадир.

23 — Хикмат ва яхши мавъиза йўлидан бориш хамда Аллоҳ таолонинг куйидаги сўзларини даъват учун мезон ва хикмат килиб олиш. Аллоҳ таоло деди: «(Эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам),  
**Парвардигорингизнинг йўлига - динига донолик-хикмат ва чиройли панд-насихат билан даъват килинг! Улар билан энг гўзал йўлда мужода-мунозара килинг!**» (Нахл: 125)

24 — Сабр билан безаниш. Чунки сабр пайгамбарларнинг сифатлари ва даъватларининг муваффакият асосидир.

25 — Каттикўлликдан узок бўлиш, унинг оғатлари ва салбий натижаларидан эҳтиёт бўлиш. Шариат руҳсат берган доираларда мулоҳимлик ва енгиллатиш билан харакат килиш.

26 — Мусулмон хакни излайди. Хак учун жасур бўлиш — даъватдаги зарурий ишлардандир. Агар сиз хакни айтишдан ожиз бўлсангиз, хеч бўлмаса ботил сўзларни айтманг!



## Ислом Нури

27 — Ялковлик ва унинг салбий натижаларидан сакланиш хамда унинг сабаблари ва даволаш йўлларини ўрганиш.

28 — Миш-миш ва сирларнинг ёйилиши хамда унинг исломий жамиятда келтириб чикарадиган ёмон окибатларидан эхтиёт бўлиш.

29 — Афзалик ўлчови — такво ва солих амал бўлиб, ватанпастлик, уругчилик, гурух ва жамоат учун таассуб килиш каби жохилий тарафкашликлардан узок бўлиш.

30 — Даъватдаги энг афзал йўл — шубҳаларни баён килиб, раддия бериш эмас, балки, Ислом харакати ва йўлларини тақдим этишдир. Одамларга хак тарозисини бериб, уларни дин асосларига даъват этиш ва аклларига яраша сўзлаш, хидоятланишларига васила учун калбларига борадиган йўлларни билиш.

31 — Даъватчилар ва исломий харакатларнинг давомий суратда Аллоҳ таолога боғланишлари, ўз кучларини сарф этиб, Аллоҳ таолодан ёрдам сўрашлари. Хакикий етакчи Аллоҳ таоло экани, даъват йўналишини бошкараётган хам, даъватчиларни тўгри йўлга solaётган хам Аллоҳ таоло экани. Хуллас, дин ва барча ишларнинг Аллоҳ таологагина хос эканига катъий ишониш.

Ушбу коида ва фойдалар кўплаб олим ва даъватчилар тажрибасининг мевасидир. Шуни ёдда тутишимиз керак-ки, агар Аллоҳ йўлига даъват этаётган кишилар бу коидаларни яхши тушунсалар эди, даъват харакати учун кўп яхшиликлар бўлар эди.

Барча даъватчилар шуни билсинларки, даъватларининг муваффакияти Аллоҳ таологагина боғланиш, унга барча ишларни топшириб таваккул



## Ислом Нури

килиш, ниятни холис килиб нафс-хаводан кутилишдадир.

### Салаф солих эътиқоди хакидаги китоблар

“Ахлуссунна вал-жамоа” ичидан етишиб чиккан алломалар салаф солих эътиқоди хакида кўплаб китоблар ёздилар. Улар бу эътиқод асосларини кўрсатиб берар эканлар далилларни Куръон Карим ва расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламнинг суннатларидан олдилар. Улар бидъатчиларга раддия бериб, уларнинг ишларини очиб ташладилар. Ботилга хак, жаҳолатта илм ва бидъатга суннат билан рўбарў туриб курашдилар. Бидъатчиларни куролсизлантириб, хакни намоён этиб, ботилни йўқ килдилар. Улар бу ишларни дин учунгина килдилар.

Ушбу “ал-Важиз”ни таълиф этиш мобайнида истифода этганим баъзи китобларнинг номларини келтиришим фойдадан холи бўлмаса керак. Токи сиз ўз эътиқодингизни каердан олганингизни билинг ва ақидангиз асл эканини, кейинги даврларда кириб колган хурофотлар эса, сахоба, тобиин ва уларга яхшилик билан эргашган кишилар каби солих аждодларимиз расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламдан кабул килиб олишган эътиқодга бегона эканини билиб олинг.

Салаф солих эътиқоди хакида Ислом умматининг алломалари кўплаб китоблар ёздилар. Куйида номлари келтирилган китоблар, уларнинг баъзилариdir.

1. “Китабус-сунна”, Ахмад ибн Ханбал рохимахуллоҳ, 241- хижрий или вафот этган.
2. “Китабус-сунна”, Абдуллоҳ ибн Имом Ахмад рохимахуллоҳ, 290- хижрий или вафот этган.



3. “Китабус-сунна”, Абу Бакр Ахмад ибн Язид Халлол рохимахуллох, 211- хижрий йили вафот этган.
4. “Китабус-сунна”, Хофиз Абу Бакр Осим рохимахуллох, 287- хижрий йили вафот этган.
5. “Китабус-сунна”, Мухаммад ибн Наср Марвазий рохимахуллох, 294- хижрий йили вафот этган.
6. “Шархус-сунна”, Имом Хасан ибн Алий Барбаорий рохимахуллох, 329- хижрий йили вафот этган.
7. “Шархус-сунна”, Имом Хусайн ибн Масъуд Багавий рохимахуллох, 436- хижрий йили вафот этган.
8. “аш—Шариат”, Абу Бакр Мухаммад ибн Хусайн Ожуррий рохимахуллох, 360- хижрий йили вафот этган.
9. “Китабу аслис-суннати вад-дийни”, Имом Абу Хотим Розий рохимахуллох, 327- хижрий йили вафот этган.
10. “Сарихус-сунна”, Имом Абу Жаъфар Мухаммад ибн Жарир Табарий рохимахуллох, 310- хижрий йили вафот этган.
11. “Шарху мазаҳиби ахлиссуннати ва маърифату шароиъид-дийни ват-тамассуку бис-сунани”, Абу хафс Умар ибн Ахмад ибн Усмон ибн Шоҳин рохимахуллох, 279- хижрий йили вафот этган.
12. “Усулус-сунна”, Имом Ибн Абу Заманайн Андалусий рохимахуллох, 399- хижрий йили вафот этган.



## Ислом Нури

13. “Китабун-нузул”, “Китабус-сифаат”, “Китабур-рўъяти”, Имом Хофиз Алий ибн Умар Дора Кутний рохимахуллох, 385- хижрий йили вафот этган.
14. “Китабут-тавхид ва исбату сифаатир-робби азза ва жалла”, Имом Абу Бакр Мухаммад ибн Исхок ибн Хузайма рохимахуллох, 311- хижрий йили вафот этган.
15. “Муқаддимату Ибн Аби Зайд ал-Кайруваний фил-акийда”, Абдуллох ибн Зайд Кайруваний рохимахуллох, 386- хижрий йили вафот этган.
16. “ал-Ибаана ан шариатил-фиракатин-ножияти ва мужанабатил-фиракил-мазмумати”, Имом Абу Абдуллох ибн Батта Абкарий Ханбалий рохимахуллох, 387- хижрий йили вафот этган.
17. “Эътикуду ахлил-Хадис”, Имом Абу Бакр Исмоилий рохимахуллох, 371- хижрий йили вафот этган.
- 18 “ал-Ибаана ан усулид-дияна”, ““Рисала ила ахлис-сугур”, «Макалаатул Исламийя», Имом Абуль Хасан Ашъарий рохимахуллох, 320- хижрий йили вафот этган.
19. “Ақидатус-салаф ахлил-хадис”, Имом Абу Усмон Исмоил ибн Абдуррахмон Собуний рохимахуллох, 449- хижрий йили вафот этган.
20. “ал-Мухтор фий усулис-сунна”, Имом Абу Алий Хасан ибн Ахмад ал-Банно Ханбалий Багдодий рохимахуллох, 471- хижрий йили вафот этган.
21. “Шарху усули эътиқоди ахлиссуннати вал-жамоати”, Имом Абуль-Косим Хибатуллох ибн Хасан ибн Мансур Табарий Ла-лакоий



## Ислом Нури

рохимахуллох, 418- хижрий йили вафот этган.

22. “Китабул-арбаъийн фи далаилит-Тавхид”, Абу Исмоил Харавий рохимахуллох, 481- хижрий йили вафот этган.

23. “Китабул-азамати”, Шайх Исфахоний рохимахуллох, 369- хижрий йили вафот этган.

24. “ал-Эътиқод вал-Хидая”, Абу Бакр Ахмад ибн Хусайн Байхакий рохимахуллох, 458- хижрий йили вафот этган.

25. “ал-Хужжату фий баянил-махажжати ва шарху ақидати ахлиссуннати”, Абул-Косим Исмоил ибн Мухаммад Тамимий Исфахоний рохимахуллох, 535- хижрий йили вафот этган.

26. “ал-Ақилатут-Таховийя”, Имом Ахмад ибн Мухаммад ибн Салаама Абу Жаъфар Таховий Аздий Ханафий, рохимахуллох, 321- хижрий йили вафот этган.

27. “Ламъатул-эътиқодил-ходий ила сабилир-рошаад”, Имом Муваффиқуддин Абу Мухаммад Абдуллох ибн Кудома Макдисий рохимахуллох, 620- хижрий йили вафот этган.

28. “ан-Насихату фий сифаатир-Робби жалла ва ала”, Имом Абу Мухаммад Абдуллох ибн Юсуф Жувайний рохимахуллох, 438- хижрий йили вафот этган.

29. “Китабут-тавхид ва маърифати асмаайллахи ва сифаатих”, Имом Абу Абдуллох ибн Исҳок ибн Мунда рохимахуллох, 395- хижрий йили вафот этган.



## Ислом Нури

30. “Китабут-тавхид”, Имом Абу Абдуллох ибн Исмоил Бухорий рохимахуллох, 265- хижрий йили вафот этган.
31. “Китабул-ийман”, Имом Абу Убайд ал-Косим ибн Саллом рохимахуллох, 224- хижрий йили вафот этган.
32. “Китабул-ийман”, Хофиз Мухаммад ибн Яхё ибн Умар Аданий рохимахуллох, 243- хижрий йили вафот этган.
33. “Китабул-ийман”, Хофиз Абу Бакр ибн Мухаммад ибн Абу Шайба рохимахуллох, 235- хижрий йили вафот этган.
34. “Китабул-ийман”, Хофиз Мухаммад ибн Исхок ибн Манда рохимахуллох, 395- хижрий йили вафот этган.
35. “Шуабул-иймон”, Хофиз Абу Абдуллох Халимий Бухорий рохимахуллох, 403- хижрий йили вафот этган.
36. “Масайлул-ийман”, Кози Абу Яъло рохимахуллох, 458- хижрий йили вафот этган.
37. “ар-Радду алал-жахмийя”, Имом Усмон ибн Саид Доримиий рохимахуллох, 280- хижрий йили вафот этган.
38. “ар-Радду алал-жахмийяти ваз-Занадикати”, Имом Ахмад ибн Ханбал рохимахуллох, 241- хижрий йили вафот этган.
39. “ар—Радду ала ман анкарал-харфа вас-совт”, Имом, Хофиз Абу Наср Убайдуллох ибн Саъд Сижзий рохимахуллох, 444- хижрий йили вафот этган.



## Ислом Нури

40. “ал-Ихтилафу фил-лафзи вар-радду алал-жахмийяти вал-мушаббихати”, Имом Абу Мухаммад Абдуллоҳ ибн Муслим ибн Кутайба Дайнурий роҳимаҳуллоҳ, 276- хижрий йили вафот этган.
41. “Халку афъолил-ибади вар-радду алал-жахмийяти ва асхабит-таътили”, Имом Бухорий роҳимаҳуллоҳ, 256- хижрий йили вафот этган.
42. “Масъалатул-улувви ван-нузули фил-хадиси”, Хоғиз, “ибн Кайсароний” номи билан машҳур бўлган Абул фазл Мухаммад ибн Тоҳир Макдисий роҳимаҳуллоҳ, 507- хижрий йили вафот этган.
43. “ал-улувву лил-Алиййил-Азим ва ийзаху сахихил ахбар мин сакиймиҳа”, “ал-Арбаъийн фий сифаати роббил-оламийн” Имом Захабий роҳимаҳуллоҳ, 748- хижрий йили вафот этган.
44. “Китабул-Арш ва моа рувия фиҳи”, Хоғиз Мухаммад ибн Усмон ибн Аби Шайба Абсий роҳимаҳуллоҳ, 297- хижрий йили вафот этган.
45. “Исбату сифаатил-улув”, Имом Муваффиқуддин ибн Кудома Макдисий роҳимаҳуллоҳ, 620- хижрий йили вафот этган.
46. “Аковилус-сикот фий таъвилил-асмааи вас-сифаат”, “ал-Баъс ван-нушур”, “Исбату азабил-Кабри”, Имом Байҳакий роҳимаҳуллоҳ, 458- хижрий йили вафот этган.
47. “ат—Тасдику бин-назари илаллоҳ фил-охирати”, Имом Абу Бакр Ожуррий роҳимаҳуллоҳ, 360- хижрий йили вафот этган.
48. “ал-Эътиқодул-холису минаш-шакки вал-интиқоди”, Имом Алоуддин Аттор роҳимаҳуллоҳ, 724- хижрий йили вафот этган.



## Ислом Нури

49. “ал-уюну вал-асару фий акоиди ахлил-асари”, Имом Абдулбокий Мавохилий Ханбалий рохимахуллох, 1071- хижрий йили вафот этган.
50. “ат—Тухаф фий мазафибис-салаф”, Имом Мухаммад ибн Алий Шавконий рохимахуллох, 1250- хижрий йили вафот этган.
51. “Катфус-самар фий баяни акидати ахлил-асар”, “ад-Динул-холис”, Мухаммад Сиддик Хон Каннужий рохимахуллох, 1307- хижрий йили вафот этган.
52. “Лавамиул-анварил-бахийя ва саватиул-асорорил-асарийя”, “Лавамиул-анварис-суннийя ва лавакихул-афкарис-суннийя шарху касидати ибн Аби Давуд ал-Хойия”, аллома Мухаммад ибн Ахмад Саффориний рохимахуллох, 1188- хижрий йили вафот этган.
53. “Тажридут-тавхидил-муфид”, Имом Ахмад ибн Алий Микрийзий рохимахуллох, 845- хижрий йили вафот этган.
54. Эътиқод илми хакида энг кўп асарлар ёзган биринчи пешкадам олим Ибн Таймийя рохимахуллоҳдир (728- хижрий йили вафот этган). У бу илмни тартибга солди ва унинг коидалари хамда йўлларини кўрсатиб берди. Унинг баъзи китоблари:

“Минхаажус-суннатин-набавийя”, “Даръу таорузил-акли ван-накли”, “Бугятул-муртаад фир-радди алал-мутафалсифати ва ахлил-илхаад”, “Иктизоус-сиротил-мустакийм ли муҳолафати асхабил-жахийм”, “ас-Соримул-маслул ала шаатимир-расул”, “Китабул-ийман”, “ар-Рисалатут-Гадмурийя”, “Коидатун жалила фит-тавассули вал-васила”, “ар-Радду алал-мантикиййин”, “ал-Ақидатул-Воситийя”, “ал-Ақидатул-Хамавийя”, “ар-Рисалатут-тисъинийя”, “Баяну талбисил-жахмийя”,



## Ислом Нури

“ан-Нубуваат”, “Шархул-акидатил-Исфаханийя”, “Шарху хадисин-нузул”.

Ўттиз етти жилдли ва кўпида эътиқод хакида сўз юритилган “Мажмуъул-Фатаава” китоби.

55. Эътиқод хакида асарлар ёзган пешкадамларнинг иккинчиси, раббоний олим, биринчи пешкадамнинг шогирди, адашган фирмаларга раддия беришда ўзининг кўп кучини сарф этган аллома ибнул Койим ал-Жавзийя роҳимаҳуллоҳдир. У 752- хижрий йили вафот этган. Унинг асарларидан баъзилари куйидагилардир:

“ас-Соваикул-мурсала алал-жахмийяти вал-муаттила”, “Ижтимаул-жушил-исламийя ала газвил-муаттилати вал-жахмийя”, “ал-Касидатун-нунийя”, “Шифаул-алийл фий масоилил-казои вал-кадари вал-хикмати ват-таътили”, “Тарикул-хижратайн ва бабус-саъадатайн”. Ва бошка бебаҳо китоблари...

Биз эслатиб ўтган бу китобларнинг барчаси, Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, нашр килинган. Биз бошка кўплаб китобларнинг номларини зикр этмадик. Зоро, уларнинг баъзилари нашр килинган ва баъзилари кўлёзма холида турибди.

### Хотима

Биз айтиб ўтган эътиқод — Ислом умматининг дастлабки гурухи яшаб ўтган эътиқод бўлиб, у — тўгри, соф, Куръон ва суннат, умматнинг салафи ва имомлари айтган сўзлардан олинган тўгри йўл бўлиб, бу йўл билан Аллоҳ таоло дастлабки гурухнинг калбларини яшнатган эди.



## Ислом Нури

Бу эътиқод — салаф солих, фирмай ножия — нажот топувчи жамоа, голиб тоифа, хадис ахли, “ахлуссунна вал-жамоа” эътиқодидир.

Бу мазхаб асосчилари — тўрт имом, барча факихлар жумхури, мухаддислар, амалли олимлар ва уларнинг изларидан юрган ва шу кунимизга кадар юриб келаётган барча кишиларнинг эътиқодидир. Бу эътиқод киёмат кунига кадар колгусидир.

Бу эътиқодни ўзининг соғ булоги — салаф солих ичган булогига кайтаришимиз, улар сукут килган нарсалардан сукут килишимиз, ибодатларни улар килганидек килишимиз, Куръон, суннат, Уммат салафининг ижмоъси ва янги масалаларда уларнинг тушунчалари соясида тўгри киёсга мултазим бўлишимиз керак.

Амирулмўминийн Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анху деди:  
“Одамларнинг салохияти ва фасоди качон бўлишини билдим: агар фикх кичикдан келса катта унга карши бўлади. Агар катта тарафидан келса кичик унга эргашиб, иккиси хам тўгри йўлга хидоятланади”  
(Ибн Абдул Барр роҳимахуллоҳ ривояти: “Жомиу баянил-илми”: 247).

Амирулмўминийн Алий ибн Аби Толиб розияллоҳу анху деди: «Илмни кимдан оляпсиз, каранг, эҳтиёт бўлинг, чунки у олаётганингиз илм — диндир.»

Улуг сахоба Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анху деди: “Одамлар модомики, илмни катталаридан олар эканлар, яхшилик узра бўладилар. Агар кичиклари ва ёмонларидан олар эканлар халок бўладилар” (Хатиб: “Кифаят фи илмир-риваят”: 196).

Билингки, мусулмон дўстим, Аллоҳ бизни ва сизни тўгри йўлга хидоят



## Ислом Нури

килсин, кимки хидоятни Куръон, суннат, салаф солих тушунчаларидан бошка жойдан изласа ёки Аллохнинг шариатидан зиёда бўлган нарсаларни олиб келса, у шубҳасиз очик залолатда, тўгри йўлдан узок ва мусулмоннинг йўлидан бошкага эргашган кишидир.

Биз расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларининг хаммасини комил равишда кила олмай ўлиб кетамиз. Шундай экан, динда бидъатларни пайдо килиш нимаси?!

Куйидаги байтларни кўп айтиб юрган Имом Моликни Аллоҳ раҳмат килсин:

Дин ишларининг яхшиси суннатдир,

Ишларнинг ёмони янги бидъатдир

(Имом Шотибий: “ал-Эътисом”)

Обидларнинг энг афзали Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламдир. Шундай экан унинг ибодатига хилоф бўлган барча ибодат бидъат бўлиб, бандани Аллоҳ таолога якинлаштирумайди. Балки, ундан узоклаштиради. Аллоҳ таоло деди: **“Сўнгра (Эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Биз сизни (дин) ишдан бир шариат (аник-равшан конун) устида (баркарор) килдик. Бас, Сиз (факат мана шу конунга) эргашинг ва билмайдиган кимсаларнинг хавоий нафсларига эргашманг!”** (Жосия: 18).

**“Иброҳимнинг динидан фактат ўзини кадрламайдиган (пасткаш кишиларгина юз ўгирадилар”** (Бакара: 130).



## Ислом Нури

**“Чиройли амал килувчи бўлган холида юзи(ўзи)ни Аллохга бўйсундирган ва тўгри йўлдан оғмаган Иброҳимнинг динига эргашган кишининг динидан хам гўзалрок дин борми?! ”** (Нисо: 125).

Мусулмонларнинг бирлашиш йўли бу умматнинг салафи бўлмиш дастлабки гурух эътиқод килган соф ақиданинг бирлиги бўлиб, улар шу билан дунёга адолат ила хукмрон бўлдилар.

Хуллас, биз энг мухим ишлардан бошлаш билангина ислоҳ ва муваффакиятга эриша оламиз. у эса даъватимизни тавхид эътиқодидан бошлашимиз, унга сиёсатимиз, хукмларимиз, ахлокимиз, одобимиз ва муомалаларимизни барпо этишимиз керак.

Биз ўз харакатларимизни Куръон карим, расулуллоҳ соллаллоҳу алайхи ва салламнинг суннатлари ва салаф солих тушунчаси билан бошлашимиз керак. Чунки ўшагина Аллоҳ субханаҳу ва таоло бизларни буюрган тўгри йўл ва тўгри дастурдир. Аллоҳ таоло деди: **“Албатта, мана шу Менинг Тўгри йўлимдир. Унга эргашинглар! (Бошка) йўлларга эргашмангизки, улар сизларни Унинг (Аллохнинг) йўлидан узиб кўяр. Шояд такво килсангизлар, деб (Аллоҳ) сизларни мана шу нарсаларга буюрди.”** (Анъом: 153).

Салаф солих эътиқоди — умматнинг ахволини ислоҳ киладиган ягона йўлдир.

Биз Аллоҳ таолодан салаф солих йўлига хидоят килиб кўйганидек, бизларни улардан килишини, киёмат кунида улар билан бирга Мухаммад соллаллоҳу алайхи ва салламнинг байроби остида жамланишга, калбларимизни хидоят килганидан сўнг



## Ислом Нури

адаштирмаслигига, ўзининг йўлида юрган солих ва амал килувчи муваххидлар каторида килишини сўраб коламиз. У бунга Кодир, Эшитувчи ва Ижобат килувчи зотдир.

Аллоҳ таоло пайгамбаримиз, унинг оиласи ва барча сахобаларига салавот ва саломлар йўлласин!